



ПАХТАЧИЛИКДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев
27 июль куни пахтачиликдаги долзарб
вазифалар муҳокамаси юзасидан
йиғилиш ўтказди.

Маълумки, бу соҳа қишлоқ ҳўжалиги ва аҳоли бандлигида алоҳида ўрин тутди. Шу боис, Президентимиз ташаббуси билан пахта етиштиришда кластер тизими жорий этилди. Ушбу тизим натижасида 350 га яқин йирик фабрика ишга туширилди. Беш йил аввал юртимизда етиштирилган пахта толасининг атиги 40 фоизи қайта ишланган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 100 фоизни ташкил этмоқда.

Сўнгги йиллардаги иқлим ўзгаришлари пахтачилик олдида янги вазифалар қўймоқда. Хусусан, бу йилгидай аномал иссиқ илгари ҳеч қачон бўлмаган. Ўн кундан бери юртимизда кундузги ҳарорат 43 градусдан юқори бўлмоқда. Кечки пайт ҳам кам эмас.

Бу пахтачилик учун фавқуллодда вазият. Лекин барча имкониятларни сафарбар қилиб, ҳосилни сақлаб қолиш зарур. Бунинг учун уруғчилик, нав танлаш, ўғитлаш, сугориш ва зараркундаларга қарши курашишни илмий ёндашувлар асосида йўлга қўйиш керак.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг "Пахта ҳосилдорлигини ошириш, пахта етиштиришда илм ва инновацияларни жорий қилишнинг қўшмича ташкил чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, Пахтачилик кенгаши тузилгани айна мўддао бўлди.

Йиғилишда инновацион ривожланиш вазири, Пахтачилик кенгаши раиси

И.Абдураҳмонов кенгаш томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисобот берди.

Унда айтилишича, Кенгаш аъзолари олим ва мутахассислар билан бирга Қўйи Чирчиқ, Сайхунобод, Навбахор, Нарпай, Вобкент ва Қоракўл туманларига бориб, ҳақиқий аҳволни ўрганган. Жумладан, уруғлик пахта экилган майдонларда кўчат тиғизлиги меъёрга нисбатан 35-40 фоизга ошириб юборилгани аниқланган. Айрим далаларда ғўзанинг тепасида ҳосил деярли йўқ, пастиди эса 2-3 та қўсак бор, холос. Зарарли ҳашарот ва касаллик турлари ҳам кўпайган.

Йиғилишда бундай ҳолатда ғўзани парваришлаш ва ҳосилдорликни таъминлаш бўйича тавсия ва кўрсатмалар айтиб ўтилди. Уларни барча ҳудудларда амалга ошириш бўйича "долзарб 30 кунлик" эълон қилинди.

Кластер ва фермерларнинг даласига бориб, илмий ёндашув ва янгиликларни тушунтириш зарурлиги таъкидланди.

— Иқлим ўзгариши келгусида ҳам салбий таъсир кўрсатишини ҳисобга олиб, иш тутишимиз керак. Бу масалага илмий ёндашиш шарт, — деди Шавкат Мирзиёев.

Вилоят ҳокимлари ушбу долзарб кунларда қилинадиган ишлар бўйича ахборот берди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН САМАРАЛИ МУЛОҚОТ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Рақамли технологиялар орқали тадбиркорлик субъектларининг муаммолари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини янада кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (кейинги ўринларда — Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг "business.gov.uz" ягона интерактив портални қуйидаги имкониятларга эга бўлган "Тадбиркор виртуал офиси" ахборот порталига (кейинги ўринларда — портал) айлантириш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин:

тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини кечаю кундуз қабул қилиш, ҳал этиш ва ушбу жараёнларни назорат қилиш; давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасида тематик онлайн муҳокамалар ва сўровнома-лар ўтказиш орқали тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилаётган тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тақлифларни шакллантириш;

қонунийликни такомиллаштириш юзасидан тадбиркорлик субъектларининг жамоавий мурожаатларини қабул қилиш;

тадбиркорлик субъектлари учун зарур бўлган хизматлардан фойдаланиш, шу жумладан, лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатлар, кредит, субсидия, компенсация ҳамда кафилиқлар олиш, солиқ ва божхона маъмуриятчилигини амалга ошириш имконини берувчи ахборот тизимлари билан улашиш.

2. 2022 йил 1 августдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) порталга қуйидагилар томонидан мурожаатлар киритилади:

тадбиркорлик субъектлари;
Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги "Call-марказ" хизмати;

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил — тадбиркорлардан сайёр қабулларда келиб тушган мурожаатлар асосида;

маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимларининг ёрдамчилари. Бунда, ҳоким ёрдамчилари тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини маҳалланинг ўзида кўриб чиқиш ва ҳал этиш чораларини кўради,

маҳалла даражасида ҳал этиш имконияти мавжуд бўлмаган мурожаатларни порталга киритади;

Давоми 2-бетда



ШҲТ Бош котиби:

“БИЗ ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛИШ НИЯТИДАМИЗ”

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Чжан Мин 28-29 июль кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган ШҲТга аъзо давлатлар Ташки ишлар вазирлари кенгаши йиғилиши олдида “Дунё” АА учун берган интервьюсида ташкилот салоҳияти ва унинг замонавий дунёда тутган ўрни ҳақида сўзлаб берди.

— Бу йил ШҲТ кун тартиби маданий-гуманитар тадбирларга бой. Сизнингча, ШҲТ доирасидаги маданий-гуманитар мулоқотнинг асосий хусусияти нимада?

— ШҲТ мамлакатларини кўплаб тарихий-маданий алоқа нуқталари, умумий маданий мерос, умумий қадриятлар, этник-маданий яқинлик ва яхши қўшничилик муносабатлари боғлаб туради. Номоддий меросимиз инсоният цивилизацияси раванқига бекиёс ҳисса қўшган буюк мутафаккирлар, атоқли олимлар номи билан боғлиқ.

ШҲТ Низоми ва ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида 2007 йили имзоланган маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ, аъзо давлатлар маданий мулоқот ва гуманитар алмашувларни чўқурлаштириш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда. “Шанхай руҳи”даги маданиятлар хилма-хиллигини ҳурмат қилиш ва умумий ривожланишга интилиш тамойилларига изчил амал қилинмоқда.

Давоми 2-бетда

БУГУННИНГ ГАПИ

РАҚАМЛИ МАРКИРОВКАЛАШ ТИЗИМИ

харидор, тадбиркор ва давлат
учун қандай манфаат келтиради?



Одамнинг табиати шундай, ўз ихтиёридан ташқари, бирор нарсанинг тақозоси туфайли бажарилиши шарт бўлган ишни унчалик ёқтиравермайди. Хоҳ ихтиёрий, хоҳ ихтиёрсиз амалга оширилиши шарт бўлган иш ёки ҳолат эса “мажбурий” сўзининг моҳиятини аңлатади. Мажбурий таълим, мажбурий хизмат, мажбурий ижро, мажбурий меҳнат, мажбурий сугурта...

Бундан икки йил олдин улар сафига мажбурий рақамли маркировкалаш,

деган ибора ҳам қўшилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 ноябрдаги “Айрим турдаги махсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Орадан кўп ўтмай, ҳукуматнинг эълон қилинган яна иккита ҳужжати бу борада амалга ошириладиган чора-тадбирларга доир ишларни кенгайтиришга қаратилди.

Давоми 4-бетда



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 31 йиллигига ЭҒАЛИК ТУЙҒУСИ — ЮРТ ВА МИЛЛАТ ҚАЙҒУСИ

2016 йилнинг ёзи кечагидек эсимизда: Хотира ва қадрлаш куни ўтиб, бўёғига — 31 августгача, Худо хоҳласа, “сокинлик” пайтлари. Кўпчилик уйда ё ишида, камчилик тоғ-боғларда, ундан-да озчилик Анталияда. Хуллас, Янги йил — Наврўз байрами — 9 май — Мустақиллик байрами — Конституция куни бешлиги ўлароқ “бир маромда” ва бир хил кечадиган бир йиллик умримизнинг галдаги саратони...

Июль бошларида таътилга чиқиб, уйда ижод билан банд кунларимизнинг бирида кўчадан шовқин-сурон эшитилиб қолди. Ташқарига чиқиб, гап газдан “қарздорлар”нинг қувурини кесишга келганларга қарши норозиликлар билан боғлиқлигини билдик. Қисқаси, тегишли идораларга қўнғироқ қилиб, одамлар ҳақлиги, айниқса, Истиқлолнинг 25 йиллик тўйи арафасида бундай қилиш “сиёсатга ҳам тўғри келмаслиги”ни уқтирдик, қаттиқ-қаттиқ сўзларни айтдик. “Кес-кеслар” кейинга қолдирилди. Орадан икки ой ўтар-ўтмас, энди билсак, миллатимиз ва давлатимиз туриш-туришида бутунлай бошқа, айрим жиҳатларига кўра, етти ухлаб тушимизга кирмаган давр бошланди...

Ҳадемай, Янги Ўзбекистон босқичига ҳам олти йил тўлади. Ушбу мўддат тарих у ёқда турсин, бир киши борлиги учун ҳам ўта кичикдир. Бироқ кўз ўнгимизда юз берган ва бераётган сифат



ўзгаришлари жуда кўп, ўта янги, қутилмаган, десак ҳеч ким инкор этолмайди. Атиги олти йил бурун одамларимизнинг юриш-туриши, қувонч-ташвиши, имкон-истаги нималардан иборат эди? Ахборот воситаларимиз, турли йиғилишлар, чойхоналар, тор доираларда айтар сўзларимиз мазмунини-чи? Нималарнинг ташвишини қилар эдик?

Тўғри, уларни хотирада тиклаш бугун қийин (балки истамасмиз). Негаки, ўша ҳаётнинг анча-мунчасини эсдан чиқариб қўйдик. У турмушимиз тарихига айланиб улгургани, у пайтлардаги

муаммоларнинг асосийлари энди йўқлиги, қайтарилмаётгани учун шундай бўлмоқда! Орқага қайрилиб қарашга эҳтиёж ва истак сезмаётганимиз учун шундай бўлмоқда! Қизиғи, ич ва ташқарига айрим “махсус” одамларни санамаганда, сўнгги йилларда мустамлака замони, айниқса, унинг совет босқичини қўмсашлар ҳам қўлоққа чалинмай қолди. Янги Ўзбекистониимиз афзалликлари — авлоддан-авлодга ўтиб келган турғун ҳаётдан бутунлай бошқачаси ҳам бор эканини кўриб, тўйиб турганимиз ўлароқ шундай бўлмоқда!

Шу билан бирга, барча ишларимиз миҳдек, десак, эгрилик қиламиз. Айримлари неча юз ёки ўн йиллик, баъзилари чорак асрлик таржимаи ҳолга эга муаммоларимиз, олдимизда турган турли-туман тўсиқлар етарли. Уларни енгиб ўтиш учун кўп куч, билим, ирода ва вақт талаб қилиниши ҳам табиий. Бироқ улар орасида биттаси — қолганларини ҳал этишда ўта асқатдигани бор. Бу — эғалик туйғуси!

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН САМАРАЛИ МУЛОҚОТ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

б) порталга киритилган мурожаатлар **автоматик равишда** ёки Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан (мурожаатда ваколатли орган кўрсатилмаганда) тегишли ваколатли органларга қўриб чиқиш ва ҳал этиш учун **йўналтирилади**;

в) ваколатли органлар портал орқали келиб тушган мурожаатларни қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда қўриб чиқади ҳамда натижалари тўғрисида ахборотни порталга киритади;

г) Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил:

порталга киритилган мурожаатларни қўриб чиқиш тартиби ва муддати устидан **рақамли назорат ўрнатади** ҳамда қонунбузилиш ҳолатлари бўйича тегишли **таъсир чораларини қўллаиди**;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси билан биргаликда мурожаатлар тахлили асосида ҳудудлар ва соҳалар кесимида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига **ҳар ойда тақлифлар киритиб боради**.

3. Тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини "Тадбиркор виртуал офиси" ахборот портали орқали қабул қилиш, умумлаштириш ва назорат қилиш **схемаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин**.

4. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони бошқарув ходимларининг чекланган сони **101 та штат бирлиги миқдориди белгилансин** ва уларнинг қўшимча 15 та штат бирлиги Маҳаллабй ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг штат бирликларини қисқартириш ҳисобига шакллантирилсин.

5. Белгилансинки: а) Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан

ҳамкорликда **ҳар йили 1 февралга қадар тасдиқланадиган режа-графиклар асосида**:

тадбиркорлик субъектларида ўтказилган текширувларнинг қонунчилиги ва тадбиркорлик соҳасидаги **қонунчилик ҳужжатларининг ижроси ҳолати юзасидан** давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, маҳаллий ҳокимликлар фаолиятида **ўрганишлар ўткази**ди;

ҳудудларда сайёр қабуллар ўтказиди ва тадбиркорлик субъектлари томонидан кўтарилган масалаларни **жойида ҳал қилиш чораларини кўради**;

ваколатли органлар учун ҳудудларга чиққан ҳолда, тадбиркорлик субъектларининг мурожаатлари билан ишлаш ҳамда текширувлар ўтказиш тартиби бўйича **ўқув машғулотларини ташкил этади**;

б) Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил **ҳар йили 1 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига** давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишининг ҳолатига доир **йиллик ҳисобот тақдим этади**.

6. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2022 йил якунига қадар** портал мазкур Фармон талабларига мувофиқ тақомиллаштирилиши ва "Электрон ҳукумат" тизимининг идоралараро платформасига интеграция қилинишини, шунингдек, порталнинг Mobile-ID тизими орқали идентификациялаш имкониятига эга мобил версияси яратилишини таъминласин.

7. Молия вазирлиги Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг асослантирилган ҳисоб-китобларига мувофиқ **2022 йил 1 сентябрга қадар 2022 йил учун** Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази маблағларини шакллантириш учун Давлат

бюджетидан ажратилган маблағларни мақбуллаштириш ҳисобига портални тақомиллаштириш, Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги "Call-марказ" хизматини молиялаштириш, шунингдек, мазкур Фармонда назарда тутилган Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг фаолиятини тақомиллаштириш билан боғлиқ бошқа харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

Бунда, **2023 йилдан бошлаб** порталдан фойдаланиш ва Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги "Call-марказ" хизмати фаолияти Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.

8. Адлия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан биргаликда **2022 йил 1 сентябрга қадар** умумий овқатланиш ва чакана савдо соҳаларидаги фаолиятни тартибга солувчи талабларни соддалаштириш ҳамда ушбу соҳалардаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чораларини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **бир ой муддатда** руҳсатномага эга ер қазирдан фойдаланувчиларнинг ҳамда ер қазри давлат фонди кадастрига киритилган ер участкаларининг рўйхатларини шакллантирсин.

Бунда, шакллантирилган рўйхатларга асосан:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар

ҳокимликлари бир ой муддатда тегишли ер участкаларини Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига **доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратсин**;

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тегишли ер участкалари ажратилгандан сўнг бир ой муддатда тадбиркорлик субъектларига ер қазирдан фойдаланиш мақсадлари учун зарур бўлган ер участкаларини **ижара ҳуқуқи асосида тақдим этсин**.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил **икки ой муддатда** қўйдагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин: Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг бюджетдан ташқари жамғармасини ташкил қилиш, унинг маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартибини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини;

қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифларни.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга маъсул ва шахсий жавобгар этиб Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил **Д.С.Қосимов белгилансин**.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун маъсул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари **Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин**.

Ўзбекистон Республикаси Президентини

Тошкент шаҳри, 2022 йил 27 июль

Ш. МИРЗИЁЕВ

ШҲТ Бош котиби:

“БИЗ ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛИШ НИЯТИДАМИЗ”

Бошланиши 1-бетда

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон раислиги кун тартибиди гуманитар ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Режалаштирилган 80 та лойиҳанинг чорак қисми маданий-гуманитар соҳага тааллуқли. Ҳусусан, адабиёт, мусиқа, кинематография ва тасвирий санъат йўналишларида маданиятлар мулоқотини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор лойиҳалар амалга оширилди. 2022 йил 19 май кунин Тошкентда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар маданият вазирларининг ўн тўққизинчи йиғилишида маданий хилма-хилликни сақлаш, кўп асрлик анъаналар ҳақидаги билимларни фаол тарқатиш каби кенг қўлламли масалалар қўриб чиқилди. ШҲТга аъзо давлатларнинг ваколатли органлари ўртасида Музей иши соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум лойиҳасини маъқулланиши ана шундай муҳокамаларнинг амалий натижаларидан бири бўлди.

2022 йил 20 май кунин Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар жисмоний тарбия ва спортга маъсул вазирлик ҳамда идоралари раҳбарлари йиғилишининг тарихида ilk бор Тошкент шаҳрида ўтказилиши ҳам юксак эътирофга сазовор. Эътиборли жиҳати шундаки, тадбир доирасида миллий спорт турларини қайта тиклаш ва оммалаштириш, ШҲТ макониди халқаро спорт туризмининг қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик янги-ча мазмун касб этди. Бугунги кунда COVID–19 пандемиясини инсоният учун мураққаб муаммо бўлиб, бутун дунё бўйлаб ижтимоий-иқтисодий тараққиётга жиддий таъсир кўрсатишда давом этмоқда. Шу боис, у билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф этиш ШҲТнинг устувор мақсад ва вазифаларидан бирига айланди. Ташкилот доирасида зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, ШҲТга аъзо давлатлар Соғлиқни сақлаш вазирларининг йиғилиши ва хизматлар раҳбарларининг учрашуви каби ҳамкорлиқнинг иختисослаштирилган механизмлари яратилди. Улар санитария-эпидемиологик фаровонликни таъминлаш учун маъсулдир.

Жорий йил Самарқандда бўлиб ўтадиган ШҲТ саммитида ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида теледидео тўғрисидаги ҳамкорлик концепциясини, шунингдек, ШҲТга аъзо давлатлар тиббиёт ташкилотлари ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш ва даволашда ҳамкорлик қилиш бўйича "Йўл харитаси"ни қабул қилиш режалаштирилган.

Ушбу рўйхатни адоқсиз давом эттириш мумкин. Шунинг учун асосий фикрни таъкидлаш билан чекланаман. Гап ШҲТдаги маданий-гуманитар ҳамкорлиқнинг айрим ўзига хосликлари

ҳақида эмас, балки бу ерда "Шанхай руҳи"нинг асосий тамойили намоян бўладиган, яъни маданий ва цивилизация анъаналарининг хилма-хиллигига ўзаро ҳурмат ҳамда умумий ривожланишга интилиш ҳақида бериқмоқда.

— **Ташқи ишлар вазирлари кенгашида “ШҲТ эзгу ният элчиси” тўғрисидаги низоми лойиҳасини қўриб чиқиш режалаштирилган. Сизнингча, ушбу институтнинг ташкил этилиши ШҲТ брэндини илгари суриш ва унинг қадриятларини оммалаштиришга қандай таъсир қилади?**

— Бу институт Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2021 йил сентябрь ойида Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган ШҲТга аъзо давлат раҳбарлари кенгашининг юбилей йиғилишида илгари сурилган эди. Бу ташаббус барча давлат раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланиб, унинг долзарблиги таъкидланди. Ушбу маком ШҲТга аъзо давлатларнинг маданият ва санъат, адабиёт ва илм-фан, мусиқа ва спорт соҳаларидаги таниқли арбобларига, жамоатчилик эътирофи, ҳурматиға сазовор бўлган кишиларга берилиши кўзда тутилган.

Биз ШҲТдаги янги юқори мартабали вакилнинг келгуси фаолиятиндан жиддий умидлар ва ижобий натижалар кутамиз. Аввало, унинг фаолияти кўп томонлама дипломатия, очик мулоқотни ривожлантириш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар лойиҳаларни илгари суриш, шунингдек, халқаро ҳамжамият ўртасида ташкилотнинг ижобий имижини шакллантиришга хизмат қилади, деб умид қиламиз. “Эзгу ният элчиси” минтақавий ва глобал форматдаги турли халқаро тадбирларда иштирок этиш, яъни ШҲТ ва унинг қадриятларини тарғиб қилиш ҳамда оммалаштириш, ташкилот фаолиятининг турли жиҳатларини тушунириш бўйича муҳим институтга айланиш имкониятиға эга бўлади.

Ишонамизки, ижтимоий фаолиятда катта тажрибаға, шон-шухрат ва таъсирға, шунингдек, ушбу шарафли миссияға амалға ошириш учун зарур бўлган шахсий ва профессионал фаизлатларға эға бўлган “Эзгу ният элчиси” сиёсий, бизнес, журналистик ва илмий доираларда “Шанхай руҳи” тамойилларини, шу жумладан, ШҲТ минтақасидан ташқарида ҳам қўллаб-қувватлайди.

— **Жаҳон туризм бозорини пандемия оқибатларидан катта зарар қўрди. ШҲТ доирасида ушбу соҳани тиклаш ва қўллаб-қувватлаш бўйича қандай чоралар қўйилмоқда? ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзола-ниши ушбу муҳим соҳадаги ҳамкорлиқни ривожлантиришға қандай таъсир кўрсатиши мумкин?**

— Пандемия мамлакатларимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишиға жиддий таъсир кўрсатди. Шу билан бирға, жорий йилда туризм сананоат пандемиядан энг кўп зарар кўрган соҳалардан бири бўлиши кутилмоқда. Айни пайтда ШҲТга аъзо давлатларнинг тегишли идора ва муассасалари томонидан пандемиядан кейинги даврда туризм соҳасини тиклаш ва янада ривожлантириш бўйича жиддий саъй-ҳаракатлар олиб бори-моқда. Иш, биринчи навбатда, туризм соҳасиға сармоя жалб этиш, туризм маҳсулотлари ва йўналишларини биргаликда тарғиб қилиш, ташкилотға аъзо давлатлар ўртасида виза тартибинин соддалаштириш чораларини қўллашни рағбатлантириш каби йўналишларға қаратилган.

Бундай ҳамкорлиқни йўлга қўйиш учун ўтган давр мобайнида зарур ҳужжатлар базаси шакллантирилди. Жумладан, 2016 йил 24 июнь кунин Тошкент шаҳрида Туризм соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш дастури тасдиқланди, 2019 йил 14 июнь кунин Бишкек шаҳрида UNWTO билан меморандум имзоланди, 2021 йил 15 июль кунин Душанбе шаҳрида ШҲТга аъзо давлатларнинг 2022-2023 йилларға мўлжалланган туризм соҳасидаги ҳамкорлик дастурини амалға оширишининг янги шартлиртларида кўшма ҳаракатлар режаси қабул қилинди, ўша йил 17 сентябрь кунин Душанбеда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг туризм ва маданият пойтахти тўғрисидаги низоми қабул қилинди.

Жорий йилда Ўзбекистон раислиги ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида Туризм соҳасида ҳамкорлиқни ривожлантириш тўғрисидаги битим лойиҳасини ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиқди. Ҳужжат бу борадаги ҳамкорлиқни янги босқичға олиб чиқиш мақсадида ишлаб чиқилган. ШҲТга аъзо давлатлар туризм соҳасида ҳамкорлик дастурини амалға ошириш режаси билан бир қаторда, ушбу Битимнинг имзоланиши тегишли вазирлиқлар ўртасидаги ҳамкорлиқни чуқурлаштиради ва аъзо давлатларнинг сайёҳлик брендларини ўзаро тарғиб қилишға, туристик хизматлар сифати ва хавфсизлигини оширишға, ушбу соҳадаги рақамли технологияларни ривожлантиришға хизмат қилади.

Шундай қилиб, биз ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида сайёҳлик соҳасидаги муносабатлар ҳар томонлама, тўлақонли ҳусусият касб этаётганини кўрпимиз. Бу эса, ўз навбатида, ШҲТга аъзо давлатлар халқларининг тарихи, маданияти, табиати ва анъаналари билан танишиш туризм хизматлари даражасининг ошишға, иқтисодиёт ва сайёҳлиқнинг ривожланишиға олиб келиши мукәррар.



— **Маълумки, узоқ давр мобайнида давлатлараро дўстлик ва яқини ҳўшчилик алоқалари ШҲТ мамлакатлари халқларини бирлаштириб келмоқда. ШҲТ ҳудуди биргаликда ривожланиш учун катта имкониятларға эға. Бунда ШҲТга шафелигида фаолият кўрсатаётган роль дипломатиясини институтлари қандай ҳалқ уйнаши мумкин?**

— Халқ дипломатиясини икки ва кўп томонлама форматдаги давлатлараро муносабатларнинг ажралмас қиррасидир. Бу турли мамлакатлар халқларига бир-бирининг маданиятини, тарихи, ўрф-одатлари ва дунёқарашини тушунишға имкон берадиган муҳим восита. Шу тўғрйли биз ўзлиқини англаш, одамлар ўртасидаги ишонч ва яқинлик туйғусини ривожлантиришға ҳисса қўишимиз мумкин.

Халқ дипломатиясини институтлари орқали давлатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш йўналиши ШҲТнинг 2015 йилда қабул қилинган 2025 йилгача Тараққиёт стратегиясини ва 2021 йилдаги ШҲТнинг 20 йиллик Душанбе декларациясида мустаҳкамланган. Ушбу ҳужжатларда халқ дипломатиясининг давлатлараро муносабатларни мустаҳкамлашдаги алоҳида ўрни таъкидланган.

Кейинги йилларда халқ дипломатиясини йўналишидаги ишларни фаоллаштириш мақсадида ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг ташаббуси билан ШҲТ Халқ дипломатиясини форуми тузилди. Унинг биринчи сессиясини 2021 йил Ухань шаҳрида муваффақиятли ўтди. ШҲТ

Халқ дипломатиясини иккинчи форуми “Халқ дипломатиясини — ривожланиш йўлидаги бир-бирини ўзаро тўри тушуниш” шори остида 2022 йил 11 май кунин Тошкентда бўлиб ўтди. Форумнинг асосий мақсадларидан бири ШҲТнинг кенг маконли интеграциясини жараёнини ривожлантириш, халқ дипломатиясини раванқини чуқурлаштириш, илм-фан, таълим, маданият, спорт, сайёҳлик ва шаҳарлараро ҳамкорлик каби гуманитар соҳаларда ҳамкорлик муносабатлари қўламларини кенгайтириш, шунингдек, минтақа мамлакатлари ўртасидаги алоқаларнинг янги йўналишларини ўрганиш, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги ҳамкорлик салоҳиятини ривожлантириш, кўп томонлама маданий лойиҳаларни яратиш ва амалға ошириш, одамлар ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама илгари суриш бўлди.

Сўнгги йиллар давомида ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг самимий қизиқини ва фаол иштирокида ШҲТ макониди ШҲТ Яқини ҳўшчилик ва ҳамкорлик бўйича қўмитаси (Пекин), Маданий интеграция ва ШҲТ интеграциясини маркази (Бишкек), ШҲТ Халқ дипломатиясини маркази (Тошкент) ҳамда ШҲТ Дўстлик ва ҳамкорлик маркази (Душанбе) ташкил этилиб, улар икки ва кўп томонлама гуманитар алмашувларни чуқурлаштириш борасида фаол иш олиб бормоқда. Маданий меросини асраб-авайлашға кўмаклашадиган ва ташкилотға аъзо давлатлар халқлари умумий фаровонликка эришишға ёрдам берадиган турли маданий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Биз замон билан ҳамнафас бўлган ҳолда, турли мамлакатлар ва халқлар ўртасида самарали алмашувларға кўмаклашиш ва ўзаро ўрганиш ҳамда тан олиншиға ёрдам бериш учун янги ахборот технологиялари ва оммавий ахборот воситаларидан тўлақонли фойдаланиш ниятидамыз. Туризм, анъанавий тиббиёт ва минтақавий ҳамкорлик сингари соҳаларда яққол ҳамкорлик бундан кейин ҳам мустаҳкамланиб бораверади.

Халқ дипломатиясини ШҲТ мамлакатлари халқлари ўртасида ўзаро тушунишни чуқурлаштириш ва шунға монанд равишда ШҲТ аъзо давлатлари ва бошқа ҳамкор мамлакатлараро ўзаро ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлашининг энг самарали шакли сифатида ташкилотнинг изчил жиспланишға, аҳоли ўртасида умумий, қадимий ва бой маданият ҳамда анъаналарға дахлдорлик туйғусини ривожлантиришға муҳим ҳисса қўшмоқда. Бунинг аҳамиятини бошқача баҳолаш мушкул.

“Дунё” АА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг навбатдаги мажлисида “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонун ва Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2022–2026 йилларға мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришининг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш самарадорлиги ҳар томонлама таҳлил қилинди.

Мажлис давомида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Самарқанд, Навоий, Тошкент вилоятлари, Самарқанд шаҳри, Кармана тумани, Бўстонлиқ тумани ҳокимликлари, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, “Ўзимёсаноат” АЖ ва “Ўзсўтаъминот” АЖ раҳбарларининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонун ҳамда 2022 йил учун инвестиция дастури ижросини таъминлаш бўйича жорий йил январь-май ойларида амалға оширилган ишлар натижадорлиги тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилди.

Ўтган давр мобайнида мазкур қонуннинг моҳияти ва аҳамияти аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасида тушунирилишини таъминлаш мақсадида 73 та медиаматериал, инвестиция муҳитига оид 83 та ахборот маълумоти тайёрланган ҳамда умумий қиймати 10,8 миллиард долларға тенг 1033 та лойиҳа ягона инвестиция порталига жойлаштирилган.

Шунингдек, ҳисобот даврида 2022 йилға мўлжалланган инвестиция дастуриға мувофиқ хорижий инвестициялар ўзлаштирилган ёки ҳисобот даврида ўзлаштириш кўрсаткичларининг бажарилиши прогнозға нисбатан 133 фоиз таъминланган.

Ҳусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар прогнозға нисбатан 139 фоизни, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари прогнозға нисбатан 100 фоизни ташкил этган.

“Ўзсаноатқурилишматериаллари”, “Ўзбек-баликсаноат” ва “Ўзёғмойсаноат” уюшмалари, “Ўзавтосаноат” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, Андижон, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлари ўзлаштириш прогноз кўрсаткичлари ортиги билан бажарилган.

Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари, асосан, энергетика, транспорт, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик соҳаларига, қишлоқ жойларда уй-ҳўи қурилишға ва таълим соҳаларига йўналтирилгани қайд этилди.



Азамат ЗИЁ,
Фанлар академияси Тарих институти
директори, тарих фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз Шавкат Мирзиёев илк кунларданок миллатимиз онига узлуксиз сингдириб келаятган ғоялар сирасидаги ушбу туйғунинг ўзи нима, унда қандай сир бор, унинг куч-қудратию зарурати нимада?

Ўзбекнинг эндиги авлоди учун умуман таниш эғалик туйғуси тушунчаси ижтимоий воқелик ўлароқ камда юз йил биз учун ёт бўлиб келган, десак ростини айтган бўламиз. Ҳолбуки, усиз ҳар қандай тириклик учун бу дунё қоронғудир.

Оддий одамлар орасида меҳнатнинг ўрнини қўптирган коммунистлик мафкура инсоннинг шахс, оломоннинг халқ бўлиши учун қандай омиллар зарурлиги борасида ғик этмагани бежиз эмас. Негаки, у тузумга қўлдек ишлайдиган “меҳнаткаш”, фақат қорин ва арзон томоша гамида яшайдиган оломон керак эди. Ўрта ва кекса авлод учун сийқаси чиқиб кетган “пролетариат” (proletarius) атамаси аслида урчитувчи маъносини англатишини жуда кўпчилик билмаслигига ишончимиз қомил. Ўзларини йўқсиллар давлати, дея эълон қилган большевиклар дохию етакчиларининг эса бунга ақллари етмаслиги мумкин эмасди. Етган ва ўз иззат-нафсларини қондириб, ҳокимиятни қўлга олиш учун уларга айнан шу тоифа аҳли — насл қолдиришдан ўзгасига ярамайдиган йўқсиллар зарур эди.

Ер юзининг олтидан бирдаги “халқлар турмаси”да рўй берган ушбу “тарихий” ўзгаришнинг фожиали оқибатига ҳозирги авлод, умуман, ақли тетик кишилар ишонмасликлари аниқ: асрлар давомида одамларнинг ўз мулки бўлиб келган ери, даласи, боғи, уй-жойи, қорхонаси, дўқони, мол-ҳоли, иш қуроли, шахсий моддий ва маданий бойлиги шунчаки тортиб олинган-қўйилган. Бу ҳам етмагандек, эгалари отиб ташланган, сургун қилинган, қамалган. Болаларига эса қуракда турмас турли-туман тавқи лаънату тамгалар ёпиштирилган.

Масжид, черков, қанисалар ёпилиб, диний эътиқод тақиқлангани-чи?!

Неча минг йиллик миллий тарих, тил, адабиёт, фалсафа, санъат, жуғрофия ҳам ушанда йўқ қилинди. Большевиклар исканжасига тушган барча халқлар қатори биз, ўзбекларнинг ҳам “чин тарихи” 1924 йилдан бошлаб, қўлдор, феода, капиталист ва коммунистга ахратиб берилди. Тилимиз руслаштирилди, адабиёт, санъат, фалсафамиз советлаштирилди.

Шу тариха, қандайдир ўн-ўн беш йил ичида айрим халқлар, масалан, биз, ўзбеклар минглаб йиллар, баъзи халқлар асрлар оша яратиб келган моддий, маданий ва маънавий мерос чиппакка чиқарилди-қўйилди. Ёввойи инсонни ҳазрати қилган бундай тенгсиз бойлик — моддий ва ақлий мулкдан мусово қилиниши ўлароқ, империядаги салкам икки юз миллион киши ҳеч вақосиз қолди, ёппасига йўқсил бўлди-қўйди.

Кейинги ўн йилликларда олиб борилган мақсадга мувофиқ сурбет сиёсат оқибати ҳамда нимасидандир айрилган бўлса-да, бироқ кечагина мулки бўлган қатламлар табиий равишда ўтиб кетганлари шароитида, то империя бирламчи парчалангунга қадар кечган катта муддатда онгид ҳам, қонида ҳам эғалик туйғуси йўқ бўлган авлодлар тарбияланди, обдан пишиқилди...

Давлат мустақиллигимизни тиклагач, луғатимизда янги пайдо бўлган тушунчалардан бири “ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олганимиз”дир. Шақлан тўғри ушбу таъкид аслида ҳам шундайди-ми? Инсон, жамоа, миллатнинг тақдир нима-ларда намоён бўлади, бўлиши керак?

Сўроққа жавоблар турлича бўлиши табиий. Бизнингча, уша инсон, жамоа, миллат ўзига тегишли моддий ва ақлий бойликка ростмана эғалик қилишида! Ўттиз бир йиллик мустақил тараққиётимиз, айниқса, унинг йиғирма беш ва олти йиллик икки босқичининг тахлили шундай хулоса қилишимизга ундамоқда. Янада чуқурлашсак, ўзликини англаш, ютуқ ва камчиликларни ҳолис баҳолаш, муаммоларнинг энг оқилона ечимини топиш йўлидаги ёпиқ эшикларнинг қалити худди шу омил билан боғлиқ, деб ишонамиз.

1991 йили биз боз сиёсий мақсадимизга эришдик — давлат мустақиллигимизни тикладик. Бу ишни юртимизда эркин, фаровон ва илғор ҳаёт қуриш учун қилдик. Шу билан бирга, бундай турмушни эғалик туйғуси бор озош шахсларига барпо этиши мумкин ва кераклигига беписанд бўлдиқ...

Қарамлик занжирлари узиб ташлангач ҳам, давлат истаган пайтида хоҳлаганини қилиб турса — деҳқондан ер, етиштирган ҳосилини, ишбилармондан қорхонасию банкдаги пулини тортиб олса, фуқаросининг уй-жойини бузса, пахта даласига ҳайдаса, пешона тери билан топган пенсиясидан уриб қолса, қасалини тузатиш, боласини ўқитишга имкон бермаса, иш ўрни яратмаса, халқ бойлиги саналмиш олтину хорижий валюта, ташқарига кетаётган бойликларининг ҳисобини бермаса, ўзини четга чиқармаса, пойтахтига киритмаса, солигини ундирса-ю, йўлини тузатмаса, эътиқод қилишига ғашлик кўрсатса, истаган кишисини қамаса, ташаббус кўрсатган, ўз фикрини билдирганни жазоласа, яхшиларни ёмоннинг қўлига топшириб қўйса..., бир сўз билан айтганда, душмanning ёки қулдорнинг ишини қилса, ким ҳам уни меники дейди, унга тапинади, меҳр қўяди?!

Оқибатда совет даврининг “бу — давлатники, бу эса — меники” деган олтин қондаси ишлашда давом этаверган: давлат маблағларини талон-тарож этиш, ишлаб чиқариш, қурилишларни ўлда-жўлда қилиш, ашёларни ўғирлаш, деҳқончиликда қўшиб ёзиш, ёқилғи, ўғитни сотиб юбориш, ерни аёвсиз “зўрлаш”, таълим ва соғлиқни сақлашда порохўрлик, илм-фанда кўзбўямачилик, динда мунофиқлик, тўй-ҳашамларда кимўзарлик ва исрофгарчилик, адабиёт ва санъатда истеъдодсизлик, илғилишларда қарсакбозлик, ахборот маконида ура-урачилик авж олди, гуркиради, қуникамага айланди. Халқ ўзи манба бўлган ҳокимият — давлатни ҳеч қанақасига аямай қўйди! Давлатга қарши қилиб келинган аччиқлик, миллатимиз ва юртимиз рўшнолигига қанчалар қимматга тушганини чамалашга ҳатто кўрқасан киши!

Шу ерда, юз йил шу йўсин ва муҳитда яшаб, тўрт-беш авлод алмашуvidан ўтган омма онгига юрт ва давлат эғалиги ҳиссини синдириш жараёни қанчалар оғир кечишини бир тасаввур қилиб кўрайлик! Шу нуктаи назардан фикрлаганда, **миллий етакчимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил кузида уртага ташлаган илк ва биронтимизнинг ҳаёлимизда ҳам бўлмаган — бундан буён одамлар давлатнинг эмас, балки давлат одамларнинг хизматига бўлиши ғоясининг ўзагида, аслида, эғалик туйғуси омилини юзага чиқариш истаги ётгани аёнлашади-қолади.** Негаки, бу юрт, давлат меники, уни мен тузаман, назорат қиламан, унинг учун жонини беради. Шундай туйғуси бор ёки унга интилган миллат, ўз худбинлигини эғалик ва дахлдорликка йў-



рита олган одамларгина каттадан-катта, зарурдан-зарур ишларга қодир бўлади, ҳар қандай қийинчиликларга чидаб беради!

Инсонга хос бир янглишиш бор: кўпчина масаланинг ташаби бўлиб, унинг ичигаги мазмун ва муддаони эсдан чиқариб қўяди ёки ҳатто билмайди ҳам. Эндликда онгидан тушмас “демократия” халқ ҳокимиятини англатиши маълум. Бироқ муайян бир замон ва жамиятда унга эришиш йўлларини ҳар ким ҳам кўрсатиб, тушунтириб беролмайди. Мазкур ўта зарур ва оғир иш эпланмас экан, кўпчиликини қўзланган мақсад сари етаклаш қийин ёки бутунлай самарасиз бўлиб қолаверади.

Шу маънода, Президентимизнинг давлат халқ хизматига бўлишига оид сиёсатининг мағзи ҳам уч минг йил яккахуқронлик негизда фаолият кўрсатиб келган ўзбек давлатчилиги учун бутунлай янгилик ўлароқ, чинакам демократияни қарор топтириш билан боғлиқдир, десак адашмаймиз. Ўтган қисқа йиллар ичида бу борада эришилган, тарихий деб баҳолашга муносиб марраларнинг қўлга киритилишини ҳам мазкур хулоса орқали тушунтирган бўлардик.

Халқ қабулхоналари тизимининг яратилиши, вакиллик идоралари фаолиятининг давлат ҳокимияти тақсимида талабларига кўра юритила бошланиши, айниқса, ижро ҳокимиятининг Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашлар олдидаги ҳисобдорлигининг йўлга қўйилиши, сиёсий партияларнинг нисбатан жонлишини



ва айролиниши, куч ишлатар тузилмаларнинг салкам бир асрлик зўравонлик табиатининг бир юз саксон даражага ўзгартирилиши, давлат ташкилотлари фаолиятининг очиклиги ва ахборот олиш эркинлигини таъминлаш сингари омилларнинг сиёсий ҳаётимизга қириб келибгина қолмай, мажбурийлик касб этиб бораётганининг қимматини тушунган тушунади, тушунмаган эса йўқ.

Негаки, давлатчилик ва миллиятчилигимиз учун ҳаёт-мамонт масаласи бўлиш мазкур жараён ўз-ўзидан ва осонликча кечаётгани йўқ. Эскича қараш тарафдорларининг силласи ҳали ҳам қуриб бўлмаганидан ташқари, янгича шароитдан худбин манфаатлари йўлида фойдаланишга чоғланиб турганлар ҳам борлигини очик айтишимиз шарт. **Фақат ва фақат миллий етакчимиз Шавкат Мирзиёевнинг қатъий иродаси, муштаҳкам сабри, синмас эътиқоди ва қўзланган мақсадга эришишга бўлган**

билан амалга оширилган ушбу ўзгаришлар чиндан ҳам тарихий бўлди. Негаки, орадан бир аср ўтиб тарихий адолат тикланди: одамларимизда ерга нисбатан мулк ҳуқуқи — эғалик туйғусининг қонуний асоси яратилди. Ўтмишда ота-боболаримизнинг босқинчиларга қарши қурашларда **ҳар бир қарич ер учун жон олиб, жон берганида** мазкур омилнинг ҳам ўз ўрни бўлганига шубҳа йўқ.

Ўқилдизи қолхозлари “гулағ”ларга бориб тақаладиган мажбурий меҳнатдан қўтулганимиз, давлат томонидан пахта ва ғалла харид нархларини қатъий белгилаш амалиёти бутунлай бекор қилингани инсоннинг ўз меҳнати ва унинг маҳсулига бўлган эғалик туйғусини қанчалар парваришлашини тасаввур қилиб кўрайлик!

Бир ойча бурун институтимизнинг ўн беш чоғли ёш олимлари билан Туркияга қилинган илмий сафар пайтида шахсан ғувоҳи бўлинган воқеа 2017 йили миллий пулимизнинг халқаро пул бозоридagi мавқеанини ўрнатилиши қорақўзларимиз учун қанчалар катта аҳамият касб этганини исботлади-қўйди: ҳар ким ўз ҳолига кўра сўм (!) “солиб” олиб кетган visa card орқали ушбу мамлакатда ҳар қандай тўлов ҳеч бир гап-сўзсиз амалга оширилди. Бунинг эғалик туйғусига қандай алоқаси бор? Турклар тегишли маблағни лирада ечиб олди, биз эса сўм — ўз пулимизда тўладик. Ўзгаларнинг ақчасига боғланганликдан қўтулдиқ, ўз пулимизнинг ҳақиқий эгаси бўлдик! Инсон ўз фикри, муштақил дунёқарашига эга бўлиши борасида кўп гапираимиз. Бироқ ростмана ва замонавий билимларсиз бундай муштақил фикрдан шахс ва жамиятга не фойда? Шу маънода, қандайдир икки-уч йилда амалга оширилган яна бир тарихий иш — таълим тизимида бошланган туб ўзгаришларнинг қиммати вақт ўтгани сайин аёнлашиб бораверишга қаттиқ ишонамиз. **Миллий етакчимизнинг “нажот — билим”да қақирлиқлари узоқ йиллар “замон — зўрники” бўлиб келган жамият дунёқараш ва борлигига қанчалар кучли таъсир кўрсатгани ва кўрсатаётганини ҳали кўп тан оламиз.** Негаки, энди бола-чақаларимиз тақдир — миллатимиз ва давлатимиз келажагини “тест” ортида турган “шайтонлар”га эмас, балки фарзандларимизнинг қанчалар ҳаққоний билим эгалари бўлиши миллий дунёқарашимизга боғлиқ бўлиб бормоқда!

Давлатимиз раҳбари илк кунлардан олға суриб келаётган ғоялардан яна бири биз ҳали ўз устимизда кўп ишлашимиз, тинмай изланишимиз ва ўрганишимиз лозимлиги билан боғлиқ. Ушбу жараёни эса замонавий ва миллий илм-фан тизимисиз тасаввур қилиб ҳам, бошқариб ҳам бўлмаслиги аён. Афсуски, муштақиллик йилларида бу борада олиб борилган ғайриилмий ва ғайримиллий сиёсат оқибатида илм-фан соҳаси истеъдодлар ва фидойилардан ташқари, юмшоқроқ қилиб айтганда, бошқа йўналишларда омади чопмаган тасодифий одамларнинг ҳам паноҳига айланиб қолганини очик айтишимиз лозим. Сўнгги йилларда илм-фанга бўлган алоҳида диққат-эътибор, ниҳоят, бу борада давлат сиёсатининг пайдо бўлиши, айниқса, илмий ҳодимлар ойлигининг уч марта оширилиб, эркин ижод қилиш, халқаро ҳамкорликни бемалол йўлга қўйиш имкони туғдириб берилгани натижасида иқтидорли ёшларнинг илмий фаолиятга интилиши яққол сезилмоқда. Бошқача айтганда, жуда катта қийинчиликлар билан бўлса-да, муштақилка замони ва евромарказлашув “илмий ёндашувлари” ва таъсирларидан қўтулиш йўлидан бораётган илм-фанимизнинг ҳам ўз эгалари майдонга чиқмоқда.

Янги Ўзбекистон боғида яратилиб, халқимиз, айниқса, ёш авлод ҳамда энг олий даражадаги хорижий меҳмонлар зиёратгоҳига айлантирилган Муштақиллик монументи Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан

3000 йиллик миллий давлатчилигимизга қўйилган ўзига хос ёдгорлик бўлганини алоҳида урғулаган бўлардик. Мустамаплака давримиз ва кейинги чорак асрни қўшганда, юз эллик йил буюқ ўтимишимиз, жумладан, Биринчи ва Иккинчи Ўғғонши босқинчилиримиз талон-тарож қилингани, топталгани ва қамситилгани, ҳатто энди ҳам шу мақсаддаги айрим чиранишлар борлиги кўзда тутилса, ушбу воқеанинг давлатчилигимиз ва миллиятчилигимиздаги тенгсиз аҳамияти ойдinлашади-қўйди: 1991 йили давлат муштақиллигимизни тиклаган бўлсак, 2021 йили уч минг йиллик миллий давлатчилик маданиятига эғалигимиз — биз, ўзбеклар тарих майдонида кеча пайдо бўлмаган миллат эканимизни муҳрлаб қўйдик. **Давлатимиз раҳбарининг сўзлари билан айтганда, битта миллат, битта давлат бўлдики!**

Шу ўринда, яна бир ўта муҳим масалага диққатни қаратган бўлардик. Минг йиллар ичра кўпинча жаҳон сиёсий, иқтисодий, илмий-маданий маркази бўлиб келган ўзбек давлати ушбу мақомга минтақалар, халқларни бирлаштириш орқали эришганини уқтириш пайти келди, деб ўйлаймиз. Мураккаблашиб бораётган бу дунёда қадимги Турон, Туркистон — Марказий Осиё доирасидаги ҳамжиҳатлиқни таъминлаш, Жанубий Осиё билан табиий ва тарихий боғлиқликларимизни тиклаш, Ўрта ва Яқин Шарққа нисбатан оқилона сиёсат, Шарқий Осиё, Европа, Америкага қаратилган салмоқли муносабат Янги Ўзбекистон босқичи ташқи сиёсатида ҳам азалий қадриятлардан куч олаётган ўз қараш ва асосларимизга эга бўлганимиздан далолатдир, албатта.

Ота-боболаримиз муқаддас дини бўлмиш муслимончилик барқарорлиги ва раванқида устунлик эътиқод эркинлиги ва илмга берилиши ҳар қандай жамият учун ўта зарур ушбу соҳанинг ҳам донишманд эгаси оёққа турганини кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда маданий турмушимизда юз берган қўллаб ижобий ўзгаришлар орасида тарихий-маданий ёдгорликларимизни оғизда эмас, амалда асраш тизимининг йўлга қўйилгани, Бахшичилик санъати маркази, Ўзбек миллий мақом санъати маркази, “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси” кафедраси ташкил этилгани ҳамда педагогик олий муסיқий таълим йўналишида мақом санъатини махсус фан сифатида ўқитиш белгиланганини алоҳида урғулаган бўлардик. Негаки, ниҳоят, маданий ва маънавий борлигимизнинг илдиэларини ўз қўлимизга олдик, ўзимизни уларнинг ҳақиқий эгалари сифатида тутат бўлардик.

Эркинлик — улуг ва тенгсиз бойлик! Бу ҳақда айтилган, ёзилганлар жуда кўп ва хилма-хилдир. Улар орасида тез-тез қўлланадигани ва таъсирлиси Мусо пайғамбарнинг ўз қавмини қирқ йил сарсон-саргардонлиқда олиб юриб, қўллик руҳиятидан бутунлай халос қилгани билан боғлиқ ривоят. Хом сут эмган банда, ўзимиз ҳам ундан илҳомланган пайтларимиз бўлган. Бироқ доно, тўзимли ва шафқатсиз “ўқитувчи” — турмуш тажрибаси бошқа муҳимроқ қоида ҳам борлигини кўрсатмоқда. У ҳам бўлса, инсон шахс ва омма миллат бўлиши учун қуруқ, ўшанда ҳам қўпроқ гоғоздаю ривоятлардаги эркинлиқнинг ўзи етарли эмас экан. Бунинг учун ўз ғоялари, мафқураси, қадриятлари, моддий ва ақлий мулкларига бўлган ҳаққоний эғалик туйғуси ўта-ўта зарур экан. **3000 йиллик давлатчилик ривожимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тарихий хизмати ҳам аслида ушбу туйғунинг ҳар бир авлод онгига сингдириш орқали Янги Ўзбекистоннинг ҳеч қачон енгилмас эгаларини етиштириш, юрт қайғусида яшаш ва ишлашга қодир миллатни тарбиялашдан иборатдир, деб ишонамиз.**

харидор, тадбиркор ва давлат учун қандай манфаат келтиради?

Бошланиши 1-бетда

БУ ТИЗИМ НЕГА КЕРАК?

Рақамли маркировкалаш — бу товар айланмасини назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими. Рақамли белгилар қўлланилиши маҳсулот ҳақидаги барча маълумотларни олиш имкониятини беради. Жумладан, ишлаб чиқарувчининг номи, тайёрланган товар ёки сотиладиган жой, сана ва вақт, ярқо-лилик мuddати, стандарт рақами каби маълумотлар махсус код остига жойлаштирилади. Маълумотлар давлат ахборот тизимида сақланади. Бу тизим наинки тадбиркор ва давлатга, балки истеъмолчиларга ҳам фойда келтиради.

— Тизим, аввало, харидорлар манфаатларини ҳимоя қи-лиш учун мўлжалланган, — дейди “CRPT Turon” МЧЖ мене-жери Умар Исроилов. — Чунки унинг ёрдамида истеъмол-чилар маҳсулот ҳақида барча маълумотларга эга бўлади. Бу хатарли ёки паст сифатли товарни сотиб олиш хавфини ҳам камайтиради. Мобиль иловадан фойдаланган ҳолда, маҳсулотнинг асллигини текшириш ва товар ҳақида тўлиқ

маълумот олиш имконияти яратилади. Агар сохта маҳсулот аниқланса, қоидабузарлик ҳақида тегишли идорага хабар берилиши мумкин. Тадбиркорга эса маҳсулот ҳаракатини кузатиш ва логистикани тежаш, мавсумийлик, интенсивлик ва сотиш географияси бўйича долзарб статистик маълумот-ларга асосланиб таъминот ва омбор захираларини оптимал-лаштиришга ёрдам беради. Натижада харажатлар камаёди ва меҳнат унумдорлиги ошади.

Давлат даражасида товарларнинг рақамли маркировкаси “қора” бозорда товар айланмасини қисқартиради, солиқ ва божхона тўловлари тушумини оширади, назорат қилишни ташкил этиш учун сарфланадиган харажатларни камайтира-ди. Экспертлар фикрича, Ўзбекистон учун рақамли маркиро-валаш тизими ўта зарур ва уни ўз вақтида жорий этишга ки-ришилган. Зеро, ўша кезде республикада яширин иқтисодиёт айланмаси ЯИМнинг 50 фоизига етиб қолган эди.



га буюртма берилган, бу ўтган йилнинг мос даврига қараганда қарийб икки баробар кўп.

Мазкур маълумотлар рақамли маркировкалаш бозорда расман иш қуритмаган ва солиқ тўлашдан бўйин товлаб келган бозор иштирокчилари ҳамда аввал ҳисобга олинмаган товар ҳажмлари соядан чиққанидан далолат беради.

ҲАР 19 ДАҚИҚАДА БИТТА, ЙИЛИГА 1 МИЛЛИОН ДОНА

Пойтахтимизнинг Яшнобод тумани-даги “ТЕХНОПАРК” МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг нафақат юртимиз ёки қўшни давлатлар-да, балки бошқа қитъаларда ҳам хари-дорлари қўлайиб борапти. Президентим-из ташаббуси билан ташкил этилган ушбу саноат мажмуаси мамлакатимиз-да юқори технологиялар, рақобатдош, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш маҳ-

Ишлаб чиқариш биноларидан би-ридамиз. Ташқари жазирама, катта сахнани эгаллаган, энг янги авлод техно-логиялари ўрнатилган замонавий бино-нинг ичида эса ҳаво мўътадил. Бу ерда 60 га яқин русумдаги маиший техника маҳсулотлари тайёрланади, уларнинг 80 фоизи экспортга, қолган қисми ички бозорга йўналтирилади.

— Бундан уч йил олдин эндигина иш бошлаганимизда ҳар 19 дақиқада битта маҳсулот тайёрланиб, йилига турли сифимдаги 1 миллионга маиший ва савдо совиткичи тайёрланади, де-йилганида бу хаёлий оруздай туюлган эди, — дейди жамият раҳбари ўрин-босари Азим Азаматов. — Бу марра-лар қисқа вақтда эгалланди. Товар-ларимиз хорижий брендлар номида ва уларнинг назорати остида тайёр-ланиши боис, харидоригр. Масалан, кир ювиш машиналари Япониянинг “Шиваки”, Жанубий Кореянинг “Сам-

Вазирлар Маҳкамаси қарори би-лан маиший техника маҳсулотларини тажриба тариқасида маркировкалаш-га ўтган йил 1 июндан киришилди, шу йилнинг 15 апрелидан жорий этилди. “ТЕХНОПАРК” МЧЖ бу ташаббусни фаол қўллаб-қувватлаган ва татбиқ эт-ган корхоналар сирасига қиради.

Жамиятда йилига 300 минг дона кир ювиш машинаси тайёрланади. Мазкур ишлаб чиқариш жараёнининг энг охи-ри қисмида уларнинг ҳар бирига “Asi belgisi” мобиль иловаси ёрлиғи қўйила-ди ва маҳсулот ҳақидаги барча маълү-мот шу заҳоти миллий ахборот тизими электрон базасига келиб тушади.

Компания директорининг сифатни назорат қилиш ва ривожлантириш бў-йича уринбосари Миракмал Мирпўла-товнинг қайд этишича, маркировкалаш тизими жорий қилиниши истеъмолчи-га маҳсулот ҳақида ҳаққоний ахборот олиш ва контрафактдан муҳофазала-

бошлаб, Ўзбекистон ҳудудида марки-ровкасиз ишлаб чиқариш ҳамда упар аг-регацияланган импорт коди бўйича маъ-лумотлар божхона юк декларациясида кўрсатилмасдан “эркин муомалага чиқа-риш (импорт)” божхона режимида расмий-лаштириш таққиланади. 6 ой мобайнида маркировкаланмаган маиший техника маҳсулотлари қолдиқларини улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари томонидан ихтиёрий равишда бепул рақамли мар-кировкаланишга рухсат берилади. 12 ой-дан сўнг барча айланма иштирокчилари ўртасида тақсимлаш фақат электрон ҳи-собварақ-фактураларга маркировка код-лари тўғрисидаги маълумотларни кирит-ган ҳолда амалга оширилади ва рақамли маркировкасиз сотилмаёди.

Давлат солиқ қўмитаси мутахассиси-нинг изоҳ беришича, мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузган тадбиркорлик субъектларига нисбатан қоралар қўллаш нормалари бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартаришлар ки-ритиш орқали белгиланган. Хусусан, Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 166-моддаси 4-қисми билан мажбурий рақамли маркировкаланиши белгиланган товарларни (маҳсулотлар) ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилув-чилар томонидан идентификация воси-талари орқали мажбурий рақамли мар-кировкалаш қоидалари бузилиши ушбу корхоналарнинг мансабдор шахсларига базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 ба-равари миқдорда жарима солишга са-баб бўлади.

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА БОШҚА МАҲСУЛОТЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 майдаги “Мажбурий рақамли мар-кировкаланиши лозим бўлган махсу-лотлар рўйхатини кенгайтириш бўйича тажриба лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, ўтган йил 1 июндан бошлаб фар-мацевтика бозори фаолиятида рақамли маркировкалаш тизимини жорий этишга киришилди. Унда хориж фармацевтика компанияларининг 46 та ваколатхона-си, 27 та маҳаллий ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъекти ихтиёрий ра-вишда иштирок этиди.

Лойиҳа менежери Диёр Расулов-нинг қайд этишича, тажриба доираси-да ишлаб чиқарувчилар битта линияни маркировкалаш учун бепул ускуналар-ни, шунингдек, Data Matrix кодларини олиш имкониятига эга бўлган. Хори-жий компаниялар ваколатхоналарига фақат маркировкалаш кодлари тақдим этилиб, техник характерга эга масала-ларни уларнинг ўзлари мустақил ҳал қилган. “Маркировкаланган товарлар каталоги” тизимида 593 та дори рўйхат-га олинган. Уларнинг 332 таси маҳаллий ишлаб чиқарилган, қолган қисми хори-жий препаратлар ҳисобланади.

Мамлакатимизда дори ва тиббий маҳсулотларни рақамли маркалаш 1 сентябрдан бошланади, унга биринчи гуруҳга мансуб иккиламчи (ташқи) қа-доқларда ишлаб чиқарилган дори (ор-фан дори воситалари бундан мустасно) киритилган. 1 ноябрдан бошланадиган иккинчи гуруҳни бирламчи (ички) қа-доқларда ишлаб чиқарилган дори (агар иккиламчи (ташқи) ўрам мавжуд бўлма-са) ва доривор ангро маҳсулотлар (ор-фан дори воситалари бундан мустасно) ташкил этади.

2023 йил 1 мартдан бошланадиган учинчи гуруҳ — Соғлиқни сақлаш вазир-лиги томонидан тасдиқланадиган кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган орфан дори воси-талари ҳамда кам учрайдиган (орфан) касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун мўлжалланган тиббий буюмлар, шунингдек, юртимиз ҳуду-дидан ташқарида амалга оширилган рўйхатга олиш натижаларини тан олиш тартиби доирасидаги дорилар, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникасининг дав-лат реестрига киритилган дори восита-лари маркировкаланади.

Яна бир муҳим йўналиш — шиша идишдаги сув ва алкоғолсиз ичимлик-лар эса 1 октябрдан бошланиши режа-лаштирилган.

Мамлакатимизда рақамли иқтисо-диётга ўтиш жараёни фаол давом эт-моқда. Бу жараённинг муҳим босқичи — барча маҳсулотларни рақамли кодлар билан таъминлаш, яъни уларга рақамли паспортни тақдим этиш тобора кенгайиб бораётган истеъмол бозорининг шаф-фоф ва очиқ бўлишига хизмат қилади, сифат ва самарадорлигининг янги имко-ниятлар эшигини очади.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

КЎҲНА ТАРИХ ВА ЗАМОНАВИЙ QR-КОД

Мутахассисларнинг таъкидлашича, эраимиздан аввалги даврда ҳам товар-ларни маркировкалаш бўйича дастлаб-ки саъй-ҳаракатлар бўлган. Хусусан, археологик қазималар тўғрисида то-пилган хумларда маҳсулот номи, узум нави, қайси жойда ва қачон тайёрланган-ни ҳақида қайدلар бўлган.

1901 йил 11 декабрда муҳандис Гульельмо Маркони морзе алифбоси орқали бошқа қитъага биринчи сигнал-ни жўнатишга муваффақ бўлади. Бу, ўз навбатида, америкалик аспирантларни сканерга жойлаштирилган ахборотни ўқувчи штрих-код яратишга илҳомлан-тирди. Ҳозирги пайтда бу борада икки ўлчамли радиосигналли кодлар, маса-лан, QR-код ва RFID қайдларидан кенг фойдаланилмоқда.

QR-код белгиси кейинги пайтда ҳаёти-мизнинг ажралмас қисмига айланиб бо-ряпти. Оқ фонда сирли қора каттакчалар туширилган тасвирларни ҳамма жойда учратамиз. Уни маҳсулотлар, коммунал тўловлар ёрликларида, журнал ва газета саҳифаларида ҳам куришимиз мумкин. Бу белги кўп миқдордаги ахборотларни узатиш ёки ундан фойдаланишни содда-лаштиришда кўп келмоқда. Шу боис, бу-тун дунёда электрон тўловлари амалга оширишда мазкур технология беминнат дастёрга айланган.

— Рақамли маркировкалаш тизими Европа Иттифоқи давлатлари, Брази-лия, Аргентина, Канада, Филиппин, Рос-сия ва Қозғистонда фаол қўлланил-моқда, — дейди “CRPT Turon” МЧЖнинг операция жараёнлари бўйича директо-ри Олег Кузьмин. — Масалан, Франция Европанинг дори-дармонни маркиро-валаган биринчи мамлакатни саналади. Бу жараён жорий этилганидан бир йил ўтиб, давлат бюджетига даромадлар 1,7 миллиард доллар ошган, ўз навбатида, бу қўшни мамлакатларда ҳам дори-дар-монни маркировка қилиш учун жиддий туртки берди.

Россияда биринчилардан бўлиб мўй-нали пальтолар маркировка қилинган. Бир қарашда уларни маркировкалашга ҳоҳлат йўққа ўқшайди, бу турдаги кийим кўп харид қилинмаёди ва қалбақилаш-тириш даражаси ҳам ниҳоятда паст, деб ўйлаш мумкин. Маркировкалаш жорий этилгач, мўйнали пальтоларнинг рас-мий савдоси 10 баробар ошди. Шунинг-дек, тамаки маҳсулотлари маркировка қилинганидан сўнг йўқ жойдан илгари маҳсулот ишлаб чиқариш ва солиқсиз сотиш билан шуғулланиб келган 18 та завод аниқланди. Улар ўз фаолиятини қонунийлаштиришга мажбур бўлди.

Хитойда эса мажбурий маркиро-валаш бўйича қатъий қоидалар йўқ: бу масала билан давлат эмас, балки ўз маҳсулотларини қалбақилаштиришдан ҳимоя қилиш истагидаги тадбиркорлик субъектларининг ўзи шуғулланади.

ҚАРОР ИЖРОСИ ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНЯПТИ?

Ўзбекистонда ҳам босқичма-босқич мажбурий рақамли маркировкалаш ти-зимига ўтилмоқда. Вазирлар Маҳкама-сининг 2020 йил 20 ноябрдаги “Айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий ра-қамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, “Asi belgisi” маҳсулотларни маркировка-лаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизими фаолияти йўлга қўйилди. Бу ти-зим давлат-хусусий шериклик шаклида ишляпти. Хусусий шерик “CRPT Turon” МЧЖ бўлиб, Давлат солиқ қўмитаси рақамли белгиларни мажбурий марки-ровкалаш соҳасида ҳуқуқий тартибга солишни амалга оширади. Data Matrix икки ўлчовли штрих-код сифатида то-варларнинг ҳақиқийлиги ва сифатини кафолатлаш воситаси ҳисобланади.



30 июль – Халқлар дўстлиги куни

ЭНГ КАТТА БОЙЛИК, ЮКСАК ҚАДРИЯТ

жсамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир

Жиззах вилоятида тожик, қирғиз, қozoқ, рус, татар ва корейс миллий-маданий марказлари фаолият кўрсатяпти.

Бу миллий-маданий марказлар фаолияти учун Президентимиз ташаббуси билан 2016 йили Дўстлик уйи биноси фойдаланишга топширилган эди. Ўша пайтда марказларни қўллаб-қувватлаш, ўз салоҳиятини тўла-тўқис намоён этишлари учун вилоят ҳокимлиги томонидан Дўстлик уйига “Дамас” автомобили, миллий марказларга миллий либослар базасини яхшилаш учун 4 миллион сўмдан пул, замонавий компьютер жамланмалари берилди.



Бундан ташқари, тожик ва қирғиз миллий-маданий марказларининг грант танловларидаги лойиҳалари қўллаб-қувватланиб, 30 миллион сўмдан пул маблағлари ажратилди.

— Барча марказлар фаоллари бир оила аъзоларидек вилоятда ўтказиладиган тадбирларда фаол қатнашади, — дейди вилоят ҳокимининг дин ва жамоат ишлари масалалари бўйича ўринбосари Латифжон Аҳмаджонов. — Бу эса, ўз навбатида, халқларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларининг янада мустаҳкам бўлишига хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мамлакатимизда бошқа соҳалар каби халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга эътибор кучайди. Президентимизнинг ташаббуси билан миллатлараро тоғувлик ва бағрикенглик сиёсати, шунингдек, яқин қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларимиз янги bosқичга кўтарилди.

— Бугунги кунда вилоятда эллик мингга яқин тожик миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади, — дейди

тожик гуруҳларига ДТМ орқали тест топширилади. Натижада билимли болалар давлат гранти асосида ўқишга қиряпти. Бундан болалар, ота-оналар, устозларнинг қувончи чексиз.

Ҳа, бу қимматли оддий ҳолатдек кўриниши мумкин. Аммо тожик тилидаги мактаблар учун бу тарихий воқеа. Қарийб йигирма беш йиллик муаммо ҳал этилди. Бу янги Ўзбекистонда бошқа миллат вакилларига яратилаётган шароит ва имкониятларнинг амалий ифодасидир.

Жиззах вилоят тожик миллий-маданий маркази 1992 йилда ташкил этилган. Марказ тожик тили, маданияти, урф-одатларини сақлаш ва ривожлантиришдан ташқари, миллатлараро дўстлик ва тоғувлик, ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, хусусан, ўзбек ва тожик халқларининг дўстлигини янада ривожлантириш борасида кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда.

Миллий-маданий марказ бир неча бор Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва

китоби нашр қилинди. Ўтган йили эса Алишер Навоийнинг Жонибек Қувноқ таржимасидаги “Лайли ва Мажнун” дostonи тожик тилида chop этилиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида китоб тақдими ўтказилди.

Жорий йилда Тожикистоннинг Сўғд вилояти Ўзбеклар маънавияти ва маърифат маркази билан ҳамкорликда “Дўстлик” китобини нашр этишга қарор қилинди. Китобдан Жиззах ва Самарқанд воҳасидаги тожик тилида сўзлашувчи, шунингдек, Сўғд вилоятидаги ўзбекзабон ижодкорларнинг шеър ва насрий асарлари ўрин олади.

Янги Ўзбекистонда барча миллат ва элат вакиллари, жумладан, қирғизлар ҳам бошқа халқлар билан аҳил ва иноқ яшаб келмоқда. Жиззах вилоятида қирғизлар, асосан, Зомин, Баҳмал туманларининг гўзал тоғ қишлоқларида, шунингдек, Дўстлик туманининг мамлакатимизда номи машҳур бўлган Манас маҳалласида истиқомат қилади. Обод қишлоқ дастури юртимизда биринчи бўлиб Манасда бошлангани ҳам мамлакатимизда Президентимизнинг бошқа миллат вакилларига эътиборининг ёрқин намунасидир. Қисқа вақт ичида Манаснинг нафақат вилоят, балки мамлакатимиз миқёсида энг намунали ва кўркам маҳаллага айланиши у ерда истиқомат қилувчи юртдошларимизнинг чексиз хурсандчилигига сабаб бўлди.

— Вилоятдаги мавжуд қирғиз тилида ўқитиладиган 14 та умумий ўрта таълим мактабидан 700 нафарга яқин ўқитувчи ўн мингдан ортиқ ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқда, — дейди вилоят қирғиз миллий-маданий маркази раиси ўринбосари Тўйчи Исмоилов. — Ёшларимизнинг баркамол инсонлар бўлиб етишиши учун давлатимиз томонидан етарли шароитлар яратилган. Таълим муассасаларининг замонавий жиҳозлар, компьютер техникалари, ўқув ва методик адабиётлар билан таъминланиши, спорт залларининг қурилиши мактовга лойиқ. Бундай ғамхўрлик халқимизнинг келажакка бўлган ишончини



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ТОЖИК МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МАРКАЗИ 1992 ЙИЛДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН. МАРКАЗ ТОЖИК ТИЛИ, МАДАНИЯТИ, УРФ-ОДАТЛАРИНИ САҚЛАШ ВА РИВОЖЛАТИРИШДАН ТАШҚАРИ, МИЛЛАТЛАРАРО ДЎСТЛИК ВА ТОГУВЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК МУҲИТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ХУСУСАН, ЎЗБЕК ВА ТОЖИК ХАЛҚЛАРИНИНГ ДЎСТЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАТИРИШ БОРАСИДА КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА.

Жиззах вилоят тожик миллий-маданий маркази раҳбари Абдукарим Шарипов. — Фориш туманининг Порашт, Арсаф, Ҳухум, Мохарми, Андегин, Хаёт қишлоқлари, шунингдек, Янгиобод туманининг Чаканд қишлоғида тожиклар яшайди. Фориш туманида 5 та, Янгиобод туманида 1 та мактабда таълим тожик тилида олиб борилади. Яқин йилларгача олий таълим муассасаларининг тожик гуруҳларига кириш учун ДТМ орқали тожик тилида тест топшириш имконияти йўқ эди. Бу масала ҳам давлатимиз раҳбарининг қўллаб-қувватлави туяфайли ижобий ҳал этилди. Мана, учинчи йил ОТМнинг

фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгаши ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди гранти соҳиби бўлди. 2019 йилда ушбу грант асосида зулфисонайи шоир Жонибек Қувноқнинг тожик ва ўзбек тилларидаги “Ширу шакар” номли китоби chop этилди.


2020 йили Фориш туманида истиқомат қилаётган ўзбеклар ва тожикларнинг урф-одат ва анъаналари акс этган “Фориш: одамлар ва удулар”

ва ёшларнинг билимга бўлган иштиёқи янада оширмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда яшовчи халқларнинг бир-бирига нисбатан меҳр-оқибатли бўлиб, аҳил ва тоғувликка яшаб, юртимиз раънақи йўлида меҳнат қилишларига, энг асосийси, ўзларининг тили, маданияти ва урф-одатларини сақлаб, ривожлантиришларига барча имкониятлар мавжуд. Мамлакатимизда миллат ва элатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш мақсадида 30 июль — Халқлар дўстлиги куни деб эълон қилинганида ҳам катта маъно мужассам. Чунки халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаш энг муҳим ва долзарб вазифа ҳисобланади.

Президентимиз айтганидек: **“Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз — жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир”.**

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Замонавий йўналиш

БУЮРТМА ҲАМ, ТЎЛОВ ҲАМ, ХИЗМАТЛАР ҲАМ ОНЛАЙН

Амирбек НИЯЗМУРАДОВ,
“Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази”
давлат муассасаси бўлим бошлиғи

Замонавий касблар орасида дастурчи, IT мутахассиси, умуман, интернет орқали турли хизматлар кўрсатиш тез оммалашиб борапти. Айниқса, ахборот технологияларидан кенг фойдаланадиган кўплаб ёшлар уйда ўтирган ҳолда дастурлаш, таржимонлик, реклама, репетиторлик ва бошқа хизматларни онлайн амалга ошириб, даромад тояпти. Ҳозирги вақтда “freelancer” деб аталаётган ушбу фаолият тури вакиллари сони кун сайин ортиб бормоқда. Ҳатто хориж наشرлари 2030 йилга қариб, биргина фрилансерлар глобал ишчи кучининг 80 фоизини ташкил этишини башорат қияпти.

Мамлакатимизда фрилансерлар ўзини ўзи банд қилганлар қаторига киритилади. Интернет орқали мижозларга ўз маҳсулоти ёки хизматларини тақлиф этиш эвазига даромад топиш уларнинг асосий йўналиши. Яъни, фрилансер деганда, мустақил ходим, эркин ишчи, асосан, бир марталик ёки масъумий ишларни бажариш учун ёлланувчи, буюртма асосида қайсидир иш ёки хизматни муайян ҳақ эвазига қилишган вақт давомида амалга ошириб берувчи ишчи тушуллади.

Юртимиз шароитида IT соҳаси ва фрилансерлик фаолияти яқин йилларда қариб келганига қарамай, тез ривожланипти. Ёшлар орасида бу соҳани яхшигина уқдалаб, даромад топаётганлар талайгина. Уларнинг фаолияти учун шароитлар ҳам яратиб берилляпти.

“

ЮРТИМИЗДАГИ БАРЧА ҲУДУДЛАРДА IT ПАРК, МАҲАЛЛАЛАРДА ФРИЛАНСЕРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛИНИ ИСТАГИДАГИ ЁШЛАР УЧУН ИНГЛИЗ ТИЛИ ҲАМДА КОМПЬЮТЕР КУРСЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ. СОҲАГА ҚИЗИҚУВЧИЛАРНИ АНИҚЛАШДА ЭСА ЮРТИМИЗДА ЖОРИЙ ЭТИЛГАН ЯНГИ ВА САМАРАЛИ “МАҲАЛЛАБАЙ” ИШЛАШ ТИЗИМИ МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ.

Президентимизнинг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида шу турдаги фаолият учун қатор имтиёзлар белгиланди. Қолаверса, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегиясида рақамли иқтисодиёт ҳажмининг 2,5 баробар кўпайтириб, дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 500 миллион долларга етказиш белгиланган. Замонавий соҳалар ривожини эса рақамли иқтисодиётнинг асосий қисми саналади.

Фрилансерлик фаолияти қатор қулайликларга эга. Аввало, фрилансерлар иш берувчиларнинг доимий ишчи-ҳодимлари саналмайди, улар бир марталик вазифаларни бажаради, эвазига қилишган маблағни олади. Буюртмачи билан масофадан туриб, кўп ҳолларда иктымолй тармоқлар орқали боғланади. Ушбу фаолият туридаги мустақиллик, эркин иш шакли, уйда ишлаш имконияти, фақат ўзи учун ажратилган ишни бажариш, қизиқ бўлмаган, ноқулай лойиҳалардан бош тортиш ҳамда яхши даромад кўпчилигини ўзига жалб қилади. Маълумотларга кўра, хозирги кунда жаҳонда 1 миллиарддан ортиқ фрилансер фаолият олиб боради. Уларнинг 86 фоизи ўз уйдан туриб ишлайди. 60 фоиздан ортиғи икки ёки учта соҳага ихтисослашган.

“Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази” давлат муассасаси томонидан Ўзбекистондаги фрилансерлик бозори таҳлил қилинганида, 5000 нафардан ортиқ юртдошларимиз “urwork” платформасида фрилансерлик фаолиятини олиб бориш учун рўйхатдан ўтгани аниқланди. Аммо буни юқори кўрсаткич дейиш қийин. Бoиси, рўйхатдан ўтганларнинг атиги 13 фоизи фаол фуқаролар экани қайд этилган. Бу мамлакатимиздаги фрилансерларнинг ҳали хориж майдонига чиқишга тажрибаси етарли эмаслигини кўрсатади. Чунки фрилансердан, аввало, билим, ўз ишига

лар кўп бўлгани билан, уларнинг сифатга нисбатан талаблари ҳам юқори. Бу талабларни бажаришни эса ҳамма фрилансерлар ҳам уқдалай олмайдн.

Ўзбекистонлиқ фрилансерлар “urwork” платформасида, асосан, фото ва видеомонтаж, таржимонлик, маълумотлар таҳлили, дизайнерлик соҳаларида ўз фаолиятларини олиб бормоқда. Улар орасида асосий даромад келтирувчи соҳа эса дастурлашдир.

“Fiverr” платформаси ҳам буюртмачи ва фрилансерлари сони бўйича юқори рейтингларда туради. Платформада умумий 7 миллионга яқин фрилансер рўйхатдан ўтган. Улар орасида миң нафарга яқин ўзбекистонлик бор. Юртдошларимиз ушбу платформада, асосан, дизайн йўналишида буюртмалар қабул қилади. Таҳлилларга кўра, платформада ўзбекистонлик фрилансерлар энг камида 5 миң доллар даромад топади.

МИЛЛИЙ ПЛАТФОРМАЛАР ЗАРУР

Ёшларни бугун ушбу соҳага кўпроқ замонавий технологияларга бўлган қизиқиши етаклаётганига гувоҳ бўламиз. Улар интернет тармоқлари ва дастурий хизматларни яхши билади, етарли билим ва хорижий тилларда гаплашиш кўникмасига эга, мижозларга ўз хизматларини тақлиф эта олади, демак, бу йўналишда яхшигина даромад ҳам топа олади.

— Ўзбекистонда ҳам малакали, катта даромадга эга бўлаётган фрилансерлар кўпайиб бормоқда, — дейди “TechCells”, “IT stars” лойиҳаларининг асосчиси Зафарбек Иброҳимов. — Соҳада иш бошлаганимга 14 йилдан ошди. Аввалги давр билан хозирги вақтини солиштирсам, катта фарқ кўзга ташланади. Биз иш бошлаган вақтда кўпчилик IT, дастурлаш, фрилансерликдан даромад топиш у ёқда турсин, ҳатто бу сўзларнинг моҳиятини тушунмасди. Ҳозир эса, аксинча. Интернет тармоқлари шу даражада ривожландики, замонавий соҳаларда ишлаб, ўзини ўзи банд қилиш ёки бу ишдан қўшимча маблағ топиш оддий ҳола айланди. Айниқса, ёшлар орасида замонавий соҳалар бўйича билимларни эгаллашга қизиқишининг юқори экани қувонарли ҳол.



Зафарбек Иброҳимов “Upwork” платформасида фаолият юритаётган етакчи мутахассислардан бири. Унинг фикрича, мамлакатимизда ҳам “urwork” ёки “work-zilla”га ўхшаш миллий фрилансерлик платформаларининг ишга туширилиши нафақат аҳолининг иш билан бандлигини оширади, балки давлат бюджетига ҳам катта фойда келтиради.

Чиндан, мамлакатимизда фрилансерлик фаолиятини тизимли йўлга қўйиш орқали ишсиз аҳоли катта қисмининг бандлигини таъминлаш мумкин. Бунинг учун олдимизда амалга оширилиш лозим бўлган қатор ишлар турибди. Бу борада бир қанча тақлифларни айтиб ўтиш уридли бўлади.

Аввало, “Upwork” ва “Fiverr” каби халқаро платформалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, юртдошларимизнинг ушбу тизимларда фаолият юритиш имкониятларини оширишга эришишимиз лозим. Бoиси, миллий интернет тармоғида фрилансерлар учун талаб қанчалик юқори бўлмасин, хориж платформалари янада кўпроқ буюртмачи ва катта даромад тақлиф эта олади.

Бу бевосита халқаро тажрибани ўрганишга ҳам йўл очади. Фрилансерлик фаолияти ҳисоботи ҳамда статистик маълумотларни шакллантириш, фрилансерларнинг танланма кузатувини ўтказишда мана шу тажриба асқатади. Албатта, бу борадаги ишлар Давлат статистика қўмитаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борилади.

Юртимиздаги барча ҳудудларда IT парк, маҳаллаларда фрилансерлик фаолияти билан шугулланиш истагидаги ёшлар учун инглиз тили ҳамда компьютер курсларини ташкил этиш ҳам муҳим вазифалардан бири. Соҳага қизиқувчиларни аниқлашда эса юртимизда жорий этилган янги ва самарали “маҳаллабай” ишлаш тизими муҳим ўрин тутади.

Яна бир жиҳат, соҳага нафақат йиғитлар ва ёшлар, балки хотин-қизларни ҳам кенгроқ жалб этишни даврининг ўзи тақозо этмоқда. Одатда IT соҳаси ва фрилансерлик ҳақида гап кетганда, кўпчилик уни ёшлар билан боғлайди. Бинобарин, ҳудудларда аҳоли, хусусан, хотин-қизларга ўз қизиқишлари ҳамда имкониятларидан келиб чиқиб, фрилансерлик фаолиятини ўргатадиган тизимли мономарказлар, ўқув курслари ташкил этишининг даври келди.

Ҳудудларда Ўзбекистонлиқ “Fiverr’s choice”, “Top rated” ёки “Top rated plus” рейтингли фрилансерлар билан учрашувлар, семинарлар, улар иштирокида дарс машғулотлари ва видеодрoслерликлар тайёрлашни ташкиллаштириш ҳам соҳани оммалаштиришнинг замонавий шаклларида хисобланади. Ахир юртимизда устоз-шогирд аънаъаси доим ўзини оқлаган. Ишсиз, кам таъминланган ёшларни тажрибали фрилансерлар шогирдликка олиб, йўл-йўриқ кўрсатса, битта бўлса ҳам инсоннинг бандлиги таъминланиб, оиласига даромад қиради.

Қолаверса, фрилансерлик фаолияти билан шугулланувчилар учун мамлакатимизда қатор имконият ва имтиёзлар мавжуд. Бу имкониятларни янада кенгайтириш фрилансерлар сонининг ортиши, юртимизда бу борада ўзига хос мактаб яратилиши, одамларнинг замонавий соҳа ортидан оила тебратишига хизмат қилади.

Ренессанс адабиёти

МАТОНАТ ТИМСОЛИ

ёхуд халқимиз юрагидаги туганмас нола

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси,
Ўзбекистон Республикаси халқ шоири

2021 йилнинг 9 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимда нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари 1941 йилда республикаимиз аҳолиси 6 миллион 800 мингдан зиёд кишини ташкил этганини, Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан қарийб 2 миллион юртдошимиз фронтга отланганини, ҳар бири том маънода қаҳрамон бўлган бу азиз инсонларнинг 500 мингдан зиёди шафқатсиз жангларда ҳалок бўлганини таъкидлаб, бундай деди:

“Бу дарду аламларни ҳеч қандай рақам, ҳеч қандай сўз билан ифодалаб бўлмайди, десак янглишмаган бўламиз. Нега деганда, 500 мингдан зиёд қурбон — бу 500 мингдан ортиқ фожиа дегани. Бу умр йўлдошидан айрилган минг-минглаб аёллар, ота-онасидан жудо бўлган миллионлаб етим болалар дегани. Бу — орадан шунча йиллар ўтса ҳамки, халқимиз юрагидаги битмаган, ҳеч қачон битмайдиган мудҳиш яра, туганмас нола ва армон демакдир”.



“Мустабид тузум даврида юртимиз озодлиги учун курашган 100 мингдан ортиқ ватандошларимиз қатагонга учраган. Уларнинг

Президентимиз бу борада нашр этилган “Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси” китоб-альбомига тўхталиб, бу йилги байрам арафасида унинг узвий давоми бўлган “Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида” ва “Ғалаба боғи фалсафаси” номли китоб-альбомлар чоп этилганини, ушбу нашрларда халқимизнинг уруш йилларидаги қаҳрамонлиги ҳақида илгари бизга номаълум бўлган кўплаб янги маълумотлар келтирилганини қайд этиб ўтди ва биринчи ўзбек актрисаларидан бўлган Маъсума Қориевнинг фожияли тақдирига тўхталиб:

“Мана шундай қайғули воқеалар билан танишганда, қаҳрамон аждодларимизнинг ўчмас хотираси олдидаги қарзимиз ва бурчимизни янада чуқур ҳис этамиз. Бугунги тинч, эркин ва ёруғ кунларнинг қадрига етиш кераклигини яна бир бор англаймиз. Ўйлайманки, тарихчи олимларимиз, ижодкор зиёлиларимиз, киночи ва рассомларимиз Ғалаба боғидаги ҳар бир мажмуа ҳақида янги илмий тадқиқотлар, бадиий асарлар яратиб, халқимизга тақдим этса, нур устига нур бўларди...”, деб ишонч билдирди.

Президент тилга олиб ўтган таниқли санъат устаси, истеъдодли актриса Маъсума Қориевнинг ижоди ўтган асрнинг 20-йилларига, юртимизнинг жадидлик деб аталган ўта мураккаб даврига тўғри келади.

Давлатимиз раҳбари 2021 йил 31 августда Шаҳидлар хиёбонида сўзлаган нутқида жадид ота-боболаримиз хотирасига эҳтиром кўрсатиб, бундай деган эди:

“БУГУН АДИБЛАРИМИЗ ОЛДИДА ЖАДИД БОБОЛАРИМИЗНИНГ ХОТИРАСИНИ ТИКЛАШ, УЛАРНИНГ ФИДОЙИЛИГИ ВА ОРЗУ-АРМОНЛАРИ ҲАҚИДА ЮКСАК САВИЯЛИ БАДИЙ АСАРЛАР ЯРАТИШ КАБИ ШАРАФЛИ ВАЗИФАЛАР БОР. НАФАҚАТ ЖАДИДЛИК ДАВРИ, БАЛКИ ДОВРУҚЛИ ТАРИХИМИЗДАГИ ЮЗЛАБ САРКАРДАЛАР, ОЛИМЛАР, ШОИРЛАР, МУТАФАККИР АЛЛОМАЛАР АВЛОДЛАР ЭЪТИРОФИНИ КУТИБ ТУРИБДИ.

қанчаси “халқ душмани” деган тўхмат билан шафқатсиз отиб ташланган. Яна қанчаси сургун қилиниб, азоб-уқубатларга дучор этилган. Оилалари пароканда бўлиб, мол-мулклари тортиб олинган. Бу мудҳиш жиноятдан муштираб момоларимиз, оналаримиз ҳам омон қолмаган. Минглаб аёллар бева, болалар етим қолган.

Бу нафақат уларнинг авлодлари, балки бутун халқимиз юрагидаги огриқдир. Шу боис, орадан шунча вақт ўтса-да, барчамиз ўша мудҳиш даврни изтироб билан эслаймиз”.

Дарҳақиқат, халқимизнинг энг сара вакиллари бўлмиш жадид боболаримиз юртимизни озод этишга, қоқоқликдан олиб чиқиб, ҳамма соҳаларни ривожлантиришга борини бағишлаган. Бунинг бадалини ўз жонлари билан тўлаган. Чунки мустабид тузумга миллат кўзини очадиган, унга ўзлигини танитадиган зиёли инсонлар керак эмас эди. Биз бугунги мустақиллик, тинчлик, эркинлик, эркинлик шароитида уларни эслашимиз, эъзозлашимиз, албатта, ҳам қарз, ҳам фарз.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султоннинг “Маъсума” романи Президентимиз мисол қилиб келтирган тарихнинг “жадидлик” деб аталган энг

мураккаб даври ҳамда биринчи ўзбек актрисаси Маъсума Қориевнинг фожияли тақдир ҳақида ҳикоя қилади. Ушбу асарни юртимиз тарихидаги энг қора кунларнинг талқини, ўзбек театрининг бадиий тарихи, деб атаса бўлади.

Романда тасвирланган воқеалар — ҳаётда содир бўлган, бироз бадиий бўёқ берилган ҳаққоний воқеалардир. Мамлакатимиз тарихининг жадидлар даври қандай мураккаб бўлганини бир оила мисолида кўриш мумкин. Чунончи, Абдувоҳид қори — машҳур уламо, “Шўройи исломия” ва “Маҳқамаи исломия” жамиятлари раиси, босқинчилар Уфага олиб кетган муқаддас осори атика — Усмон Қуръонини юртимизга қайтариб олиб келишда жонбозлик кўрсатган арбоб, яъни жадидлик даврининг “қадимчи”ларидан. Унинг тўнғич ўғли Босит Қориев — Маданият вазирлиги санъат бошқармаси бошлиғи, ўртанча ўғли Боис Қориев, яъни Олтой — “янгиликчи” шоир, Маориф вазирлигининг масъул ходими. Келини Маъсума Қориева эса ўзбек миллий театрининг биринчи аёл актрисаси. Давр бу кишиларнинг бирортасини аяб ўтирмайди, биринчи бўлиб шоир Олтой “Наркомпрос” иши бўйича ҳибсга олинди, ўн йилга сургун қилинади. Сўнгра кекса Абдувоҳид қори ва Босит Қориев қамоққа олинади. Иккинчи жаҳон уруши бошланганида мамлакат ҳукумати қамоқхонадаги маҳбусларга афви умумий эълон қилади ва ким агар ихтиёрий равишда фронтга жўнаб, жасорат кўрсатса, айбномалар олиб ташланишига ваъда беради. Айни шу дамда Маъсума Қориевнинг фарзандлари, теваврақдагиларнинг маломатларидан ва ҳўрлашларидан таҳқирланган навхилол йигит-

зиёлилари Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Заҳириддин Аълам, Абдурауф Фитрат, Тавалло, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Чўлпон, Боту каби зиёлилар номлари келтириб ўтилади. Шунингдек, ўзбек театрининг дунёга келиши, ilk сахна асарлари, миллий театр асосчиларидан бири Маннон Уйғур билан бир қаторда, халқ эҳтиромига сазовор бўлган артистлар Етим Бобоҷонов, Аброр Ҳидоятлов, Сора Эшонтўраева, Зайнаб Садриева, Мария Кузнецова сиймоларига дуч келасиз. Дунё театрлари тарихида энг яхши сахна томошаси деб топилган “Гамлет” ва “Отелло” сахналарининг ҳаяжонига шохид бўласиз.

Маъсума Қориевнинг тақдир, дарҳақиқат, аччиқ ва изтироблидир. “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист” унвони соҳибаси, улуғ шоир Чўлпон “Ўзбек театри маликаси” деб ном берган бу истеъдодли актриса сиёсат туфайли шунчалар четга суриб ташланадики, охир-оқибат, азбароий театрдаги инсофли кишилар туфайли қасаба уюшмасига ишга тайинланиб, театр учун пойтахтнинг Қорасарой мавзесидан ажратилган томорқа ҳўжалигида мева-сабзавот етиштириш ишларига киришиб, оғир йилларда театр жамоасини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб туради. Театрдан кўнгли совийди, истеъдоди ҳазон бўлади. Болаларидан хат-хабар келмай қўйган, уларнинг тақдирини билиш учун Москвага отланади ва машўм ҳақиқатдан хабар топади: эндиликда дунёда унинг ҳеч кими қолмаган, қайнотаси ва эри 1938 йилдаёқ отиб ташланган, кўзининг оқу қораси фарзандлари фашизмга қарши урушда бирин-кетин ҳалок бўлган экан.

— Мана, болаларим... Номимиз ҳам оқланди, — дейди Маъсума.

Жасур Игитлардан ёдгор бўлиб икки парча темир — “Қизил юлдуз” ва “Қизил байроқ” ордени қолади, холос.

Мархума жасади олис юртларда сарсон бўлмасин деб борган кишилар қийинчиликларга дуч келади: майитни учокда ҳам, поездда ҳам олиб кетишга рухсат берилмайди. Ниҳоят, мархуманинг жасади қўйдирилиб, кули солинган кичик бир идиш Тошкентга олиб келиниб, тўрт кишининг номидан дафн қилинади.

— Босит Қориев! Маъсума Қориева! Ботирхон Қориев! Шавкатхон Қориев! Қабриниғизда тинч этинг! — дейишади дафн маросимига келганлар.

Сийсий тузум бир оиланинг кулини шу тахлит “кўлларга созуриб” юборади.

Афсуски, қотил тузумнинг қилмишлари шу билан тугамайди. 1953 йилда, Сталин вафот этганидан сўнг ноҳақ қатагонга учраганлар номи оқлана бошлаган бўлса-да, ўша даврнинг империалист арбоблари турли республикалар, айниқса, Марказий Осиё ўлкалари халқлари бошига янидан-яни тўхматлар ёғдиришда да-

“ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭНГ САРА ВАКИЛЛАРИ БЎЛМИШ ЖАДИД БОБОЛАРИМИЗ ЮРТИМИЗНИ ОЗОД ЭТИШГА, ҚОҚОҚЛИҚДАН ОЛИБ ЧИҚИБ, ҲАММА СОҲАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА БОРИНИ БАҒИШЛАГАН. БУНИНГ БАДАЛИНИ ЎЗ ЖОНЛАРИ БИЛАН ТЎЛАГАН. ЧУНКИ МУСТАБИД ТУЗУМГА МИЛЛАТ КЎЗИНИ ОЧАДИГАН, УНГА ЎЗЛИгини ТАНИТАДИГАН ЗИЁЛИ ИНСОНЛАР КЕРАК ЭМАС ЭДИ. БИЗ БУГУНГИ МУСТАҚИЛЛИК, ТИНЧЛИК, ЭРКИНЛИК ШАРОИТИДА УЛАРНИ ЭСЛАШИМИЗ, ЭЪЗОЗЛАШИМИЗ, АЛБАТТА, ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗ.

чалар — Ботир ва Шавкат Қориевлар ихтиёрий равишда фронтга жўнаб кетади.

Бир оила бошига тушган кўргиликларни кўринг! Бунинг сабаби эса:

— Эй воҳ, агар ўз давлатимиз бўлганида эди, бу ишларга ҳолат қолмас, давлат халқ раёнақи учун керакли бўлган барча ишларни бажарар, сиз билан биз эса ўйнаб-қулиб яшар эдик. Афсуски, давлатимиз йўқ, қудратимиз ҳам йўқ, барча бу ишларни ёлғиз бошимиз билан қилишга мажбуримиз... — дейди Абдувоҳид қори...

“Маъсума” романида нафақат Абдувоҳид қори ва Маъсума Қориева хонадони мисолидаги мудҳиш кўргиликлар, балки халқимизнинг сара

вом этади. Саксоничи йиллар бошига келиб, ўзбек халқи ўз ўғлонларини яна бир адолатсиз уруш — афгон урушида қурбон беради, асоссиз “Ўзбек иши” кампаниясида яна минглаб ватан-



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ
ИСАЖОН СУЛТОННИНГ
“МАЪСУМА” РОМАНИ
ПРЕЗИДЕНТИМИЗ МИСОЛ
ҚИЛИБ КЕЛТИРГАН ТАРИХНИНГ
“ЖАДИДЛИК” ДЕБ АТАЛГАН
ЭНГ МУРАККАБ ДАВРИ ҲАМДА
БИРИНЧИ ЎЗБЕК АКТРИСАСИ
МАЪСУМА ҚОРИЕВАНING
ФОЖИАЛИ ТАҚДИРИ ҲАҚИДА
ҲИКОЯ ҚИЛАДИ. УШБУ АСАРНИ
ЮРТИМИЗ ТАРИХИДАГИ ЭНГ
ҚОРА КУНЛАРНИНГ ТАЛҚИНИ,
ЎЗБЕК ТЕАТРИНИНГ БАДИЙ
ТАРИХИ, ДЕБ АТАСА БЎЛАДИ.

дошларимиз тўхматга учрайди. Шу ўринда, 1989 йилда афгон урушидан темир тобутда келган қаҳрамон йигитимиз Сирожиддин Тўраҳўжаев хотирасига бағишланган бир шеъримни эслатиб ўтмоқ жоиз деб ўйлайман:

**Дўстлари келса-ю, келмаса болам,
Дўстлари кулса-ю, кулмаса болам.**

**Бир пайтлар сочини тўзгитган еллар
Ҳовлида елса-ю, елмаса болам.**

**Яхши кўрган қизи келиб йиғласа,
Сўнгера тўй бўлса-ю, билмаса болам.**

**Суратдан чиқолмай мўлтираб зор-зор
“Тўйлар муборак”ни тингласа болам.**

**Куйган кечаларда уйқум келмайин,
“Милт-милт” юлдуз бўлиб илмаса болам.**

**Ғира-ширликда дарахт эшикда
Боламдай турса-ю, кирмаса болам.**

**Саҳар косаларга қаймоқ тўлса-ю,
Кексайган бу кўнглим тўлмаса, болам.**

**Кеча топширишди “Қизил юлдуз”инг,
Орденни “болам” деб бўлмаса, болам...**

Ўзбек халқи бошига келган шўришлар орадан шунча йил ўтган ҳам давом этаверганига ҳайрон қоласиз, киши. Шўркки, мамлакатимиз зулмининг оғир кишанларидан мустақиллик туфайли ҳалос бўлди ва бу каби ҳақсизликлар таг-туғи билан барҳам топди.

Бугун адибларимиз олдида жадид боболаримизнинг хотирасини тиклаш, уларнинг фидойилиги ва орзу-армонлари ҳақида юксак савияли бадиий асарлар яратиш каби шарафли вазибалар бор. Нафақат жадидлик даври, балки доврўқли тарихимиздаги юзлаб саркардалар, олимлар, шоирлар, мутафаккир алломалар авлодлар эътирофини кутиб турибди.

Президентимиз 2020 йилнинг 31 августда Шаҳидлар хиёбонида сўзлаган нутқида бундай деган эди:

“Биз шу вақтгача тарихнинг ўзимизга ёққан жойларини олиб, ёқмаган томонини яшириб ўтдик. Бировга ёқадими-ёқмайдими, ғуруримизми-армонимизми, муваффақиятми ё хиёнатми — ҳаммасини ҳаққоний ёзиш керак”.

Ёзувчи Исажон Султоннинг ушбу асари ана шундай савобли ва керакли ишларнинг дебocasидир. Шу муносабат билан адиб дўстимизни янги китоби билан қўтлаймиз ҳамда бугунимизнинг истеъдодли шоир ва ёзувчиларидан шундай мавзуларда янгидан-яни бадиий пишқ асарлар кутиб қоламиз.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфдик жиятдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-764.
82285 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Гуличеҳра Дурдиева
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 21:20 Топширилди — 22:10

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz